В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ХАМДАМОВ ИСАКЖАН МАМАСАЛИЕВИЧ

ТАНЛАНМА ЭКСТРЕМАЛ ҚИЙМАТЛАРИНИНГ АСИМПТОТИК ТАҲЛИЛИ ВА ҚАВАРИҚ ҚОПЛАМАЛАР ФУНКЦИОНАЛЛАРИ УЧУН ЛИМИТ ТЕОРЕМАЛАР

01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

УДК: 519.218+519.24

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Хамдамов Исакжан Мамасалиевич
Танланма экстремал қийматларининг асимптотик таҳлили ва қавариқ қопламалар функционаллари учун лимит теоремалар..... 3

Хамдамов Исакжан Мамасалиевич
Асимптотический анализ экстремальных значений выборки и предельные теоремы для функционалов от выпуклых оболочек..... 27

Khamdamov Isakjan Mamasaliyevich
Asymptotic analysis of extreme values of a sample and limit theorems for functionals of convex hulls …..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……....……..... 55

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ХАМДАМОВ ИСАКЖАН МАМАСАЛИЕВИЧ

ТАНЛАНМА ЭКСТРЕМАЛ ҚИЙМАТЛАРИНИНГ АСИМПТОТИК ТАҲЛИЛИ ВА ҚАВАРИҚ ҚОПЛАМАЛАР ФУНКЦИОНАЛЛАРИ УЧУН ЛИМИТ ТЕОРЕМАЛАР

01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/FM170 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида(www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Форманов Шакир Касимович** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Абдушукуров Абдурахим Ахмедович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Гаджиев Асаф Гаджи оглы физика-математика фанлари доктори, профессор, Озарбайжон Миллий Фанлар Академияси академиги
	Имомов Аъзам Абдурахимович физика-математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Тбилиси давлат университети (Грузия)**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» ноябр соат 16.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz.)

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (125 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси. Тел.: (+99871)-207-91-40).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» ноябр куни тарқатилди.
(2021 йил «12» ноябр даги 2 рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

Я.М.Хусанбоев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси муовини, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруряти. Танланманинг экстремал қийматлари фан ва техника, иқтисодиёт, актуар математика, саноат ва қишлоқ хўжалиги қурилмалари ишининг ишончлилиги, оммавий бошқарув ва бошқа турли соҳаларида ўз татбиғини топган. Номаълум параметрларни баҳолаш ва статистик гипотезаларни текшириш учун критик соҳаларни аниқлашда танланма экстремал қийматларининг асимптотик таҳлили муҳимдир, хусусан, текис тақсимот қонун аниқланиш соҳасининг чегаралари баҳоланаётган параметрлар сифатида қабул қилинса, унинг баҳоси вариацион қаторнинг четки элементлари ёрдамида қурилади ва бу баҳо асосли, асимптотик силжимаган, етарли статистика бўлади. Қаварик қопламалар эса танланма экстремал кузатилмаларининг кўп ўлчовлиликдаги тўлиқ умумлашмаси бўлиб, кўп ўлчовли ҳолатда, қаварик қоплама текис тақсимот қонуни аниқланиш соҳасининг асосли, асимптотик силжимаган баҳоси ва етарли статистика бўлади. Шунинг учун танланманинг экстремал қийматларини ва кўп ўлчовлиликда қаварик қопламани тадқиқ қилиш долзарбдир ва улар танланма тақсимот қонунининг аниқланиш соҳасини баҳолашда ва статистик тасдиқлар чиқаришда фаол қўлланилмоқда.

Ҳозирги кунда экстремал тартибланган статистикаларнинг таҳлили ва уларнинг кўп ўлчовли ҳолатдаги умумлашмаси бўлган қаварик қопламалар функционалларининг лимит тақсимот қонунини аниқлаш бўйича ўтказилаётган кашфиётларга қизиқиш ортиб бормоқда. Айнан татбиқий масалалар, жумладан, иқтисодий системаларни, молиявий жараёнларни ва суғурта компаниялар фаолиятини бошқаруви масалалари экстремал статистиканинг математик моделлаштирилиши билан боғлиқлигидадир. Бунда асосий эътибор йиғинди ёрдамида ифодаланувчи баҳолар тақсимотини маълум чексиз бўлинувчи тақсимот билан аппроксимацияланишга қаратилади. Бу борада: йиғиндидаги экстремал қўшилувчиларни хиссасини анқлаш, қаварик қоплама функционалларининг ўзаро боғликлик даражасини аниқлаш ва уларнинг биргаликдаги тақсимот қонунларини топиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда молия, иқтисодиёт, бизнес, суғурта, медицина ва оммавий хизматда илмий ва амалий тадбиғига эга бўлган фундаментал фанларнинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, охирги йилларда параметрик ва нопараметрик статистик баҳолар назариясининг асимптотик масалаларида экстремал танланма элементлари ва қаварик қоплама функционаллари учун лимит тақсимотларига доир салмоқли натижаларга эришилди. «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, функционал анализ ва актуар математика» фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият

йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларда фойдаланиш мақсадида k–тартибланган статистиканинг қўшилувчилари билан биргаликдаги лимит тақсимот қонунини кўрсатиш, шунингдек, танланма қаварик ва чегараланган бош тўпламидан олинган ҳол учун қаварик қоплама асосий функционалларининг биргаликдаги лимит тақсимотини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Танланма экстремал қийматларининг асимптотик таҳлили ва қаварик қоплама функционалларининг лимит тақсимотини аниқлаш бўйича йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Temple University, Philadelphia (USA), Stanford University, California (USA), Katholieke Universiteit Leuven (Belgium), Tilburg University (the Netherlands), Iowa State University (USA), The Ohio State University (USA), University of Technology Delft (the Netherlands), Princeton University (USA), The University of Salzburg (Austria), Purdue University (USA), Mathematical Institute of the University of Bern (Switzerland), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Фанлар академиясиниг В.А.Стеклов номидаги Математика институти ва унинг Санкт-Петербургдаги бўлими, Санкт-Петербург давлат университети, Озарбайжон Миллий Фанлар академиясининг Системали бошқарув институти, Тбилиси давлат университети, Белоруссия давлат университети қошидаги Математика ва ахборотдаги муаммоларни тадқиқ қилиш илмий

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292-сон қарори.

текшириш институти, К.Д.Ушинский номидаги Одесса давлат педагогика институтида олиб борилмоқда.

Охирги йилларда экстремал тартибланган статистиканинг тасодифий миқдорлар (т.м.) йиғиндисидаги ҳиссасини тадқиқ қилиш йўналиши бўйича юқорида келтирилган илмий даргоҳларда қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, агар тақсимот қонун бирдан кичик кўрсаткич билан турғун тақсимотга тортилувчи бўлса, у ҳолда экстремал қўшилувчилар йиғиндининг асимптотик тақсимотига салмоқли таъсир кўрсатиб, модули бўйича максимал бўлган қўшилувчилари олиб ташланган, нормаллаштирилган йиғинди учун лимит тақсимот қонуни аралаш чексиз бўлинувчи тақсимот қонунга интилиши исботланди (К.Д.Ушинский номидаги Одесса давлат педагогика институти). Кейинчалик бу натижалар бирдан иккигача бўлган оралиқ учун ҳам (Katholieke Universiteit Leuven, Belgium) давом эттирилди.

Дунёда бугунги кунда четки элементларнинг кўп ўлчовлиликдаги умумлашмаси сифатида қаварик қоплама тадқиқ этиб келинмоқда ва агар танланма бирлик доира ичида текис тақсимланган бош тўпламдан олинган бўлса (Stanford University, California, USA), қаварик қоплама учларининг сони, юзаси ва периметри математик кутилмаларининг асимптотик қийматлари топилди ва, шунингдек, танланма бирлик доира ичида қутб координаталар системасида берилган нуқталардан иборат бўлиб, бурчак координатаси айланада текис тақсимланган, радиал координатаси тақсимоти эса унга боғлиқ бўлмай, тақсимотининг дум қисми доира чегараси яқинида текис ўзгарувчи функция бўлган ҳолатдан яралган қаварик қоплама асосий функционаллари (Mathematical Institute of the University of Bern, Switzerland) математик кутилмаларининг асимптотик ифодалари аниқланди ва улар орасидаги боғланиш кўрсатилди; бу соҳада биринчи маротаба бир гуруҳ Нидерландиялик олимлар сезиларли силжиш ясовчи катта кашфиёт қилдилар. Улар (University of Technology Delft The Netherlands) дастлабки тақсимот қонуннинг ё квадрат, ё эллипсда текис тақсимланган ҳолати учун, қаварик қоплама учларининг сони, юзаси ва периметри учун марказий лимит теоремаларни исботладилар, шунингдек, текисликда нормал тақсимланган нуқталардан яралган қаварик қопламаларнинг асосий функционаллари учун ҳам марказий лимит теоремалар исботланди (Purdue University USA).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Биринчи марта тартибланган статистикалар назарияси билан ўтган асрнинг 20-йилларида Von R.Mises, L.H.C.Tippet, M.Frechet, кейинчалик, Б.В.Гнеденко шуғулланган бўлиб, экстремал статистикалар лимит тақсимот қонуни фақат мумкин бўлган учтадан бирига тенг бўлиши исботланди. Д.З.Аров ва А.А.Бобров, De L.A.Haan, J.L.Teugels, А.В.Нагаев ва бошқалар, экстремал тартибланган статистикалар лимит тақсимоти назариясининг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшдилар, улар дисперсия чексиз бўлган ҳолида тасодифий миқдорлар йиғиндисидаги экстремал қўшилувчиларнинг ҳиссалари бениҳоя катта

бўлишини кўрсатдилар, хусусан, катта оғишлар эҳтимолида йиғиндидаги асосий ҳисса экстремал қўшилувчининг ҳисобига тўғри келишини исботладилар. Шунингдек, M.G.Kendall, A.Stuart, E.L.Lehmann, S.P.Lloyd, L.H.Y.Chen, J. Pike, H.N. Nagaraja ва A.B.Степанов каби олимлар экстремал тартибланган статистикалар ва рекордларнинг йиғиндидаги ҳиссасини кучли ва кучсиз катта сонлар қонунида, қайта логарифм қонунларида улкан бўлишини аниқладилар.

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика йўналишининг Санкт-Петербург мактабининг бир гуруҳ олимлари (В.В. Петров, В.Б. Невзоров, В.А Егоров, И.С. Ахундов ва бошқалар) томонидан экстремал статистикалар ва рекордлар назарияси янги натижалар, усуллар ва ёндошувлар билан бойитилди, жумладан, улар рекорд ва экстремал статистикалар тақсимоти характеристикаларини, рекорд қийматларнинг регрессион муносабатларини ва юқори тартибланган статистика ва рекордлар генерациясини ўргандилар.

Ҳозирги вақтда қаварик қоплама функционаллари сонли характеристикаларининг асимптотикаси ва лимит тақсимотининг тадқиқи бўйича B.Efron, A.Reny, R.Sulanke, H.Carnal, P.Groeneboom, I.Hueter, T.Hsing, A.B.Нагаев, A.J.Cabo, Ch.Buchta, J.Pardon катта натижалар олдилар. Улар қаварик кўпбурчакда ёки эллипсда текис тақсимланган биномиал нуқтавий жараённи Пуассон жараёни билан аппроксимациялаш усули ёрдамида, танланма қаварик қопламанинг асосий функционаллари учун турли кўринишдаги лимит теоремаларни исботлаш имкониятига эга бўлдилар. Қаварик кўпбурчак ёки эллипсда текис тақсимланган нуқталардан яралган қаварик қоплама учларининг сони учун P.Groeneboom томонидан исботланган лимит теоремани исботлаш усули A.J.Cabo, P.Groeneboom ва T.Hsing ишларида қаварик кўпбурчакда текис тақсимланган танланмадан яралган қаварик қоплама юзаси учун лимит теоремасини исботлашга татбиқ қилинди, I.Hueter эса бу усулни текисликдаги нормал тақсимланган нуқталардан яралган қаварик қопламалар функционаллари учун лимит теоремаларни исботлашга қўллади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий текшириш муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги **ОТ-Ф4-83** рақамли «Эҳтимоллик тақсимотлари учун лимит теоремалар ва функционал маълумотларни статистик таҳлили» (2017–2020йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кесик йиғиндининг максимал ва минимал қўшилувчилари билан биргаликдаги ва қаварик, чегараланган соҳадан олинган танланма қаварик қопламалар асосий функционалларининг биргаликдаги лимит тақсимотларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қўшилувчи миқдорлар тақсимот қонуни турғун тақсимот қонунига тортилувчи соҳадан олинган ҳолда, нормаланган кесик йиғиндининг лимит тақсимоти характеристик функциясини аниқлаш;

тақсимот қонунининг дум қисми тўғри ўзгарувчи функция бўлган ҳолда кесик йиғиндидаги четки қўшилувчиларнинг ҳиссасини катта оғишлар эҳтимоллари масаласида аниқлаш учун ва кесик йиғиндидаги экстремал қўшилувчиларнинг ҳиссасини аниқловчи етарли шартларни топиш учун боғлиқсиз т.м. йиғиндиси назарияси усулларини қўллаш;

танланма икки ўлчовли қаварик кўпбурчакда текис тақсимланган бош тўпламдан олинган ҳоли учун, қаварик қоплама асосий функционалларининг биргаликдаги лимит тақсимотини аниқлаш;

парабола ичида бир жинсли бўлмаган Пуассон нуқтавий жараёнидан яралган қаварик қоплама учлари жараёнининг ҳар бир тайин вақти учун тақсимот қонунини аниқлаш;

танланма бирлик доира ичида қутб координаталар системасида берилган нуқталардан иборат бўлиб, бурчак координатаси айланада текис тақсимланган, радиал координатаси тақсимоти эса унга боғлиқ бўлмай, тақсимотининг дум қисми доира чегараси яқинида текис ўзгарувчи функция бўлган ҳолатдан яралган қаварик қопламанинг асосий функционаллари учун лимит теоремаларни исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Максимал ва минимал қўшилувчилари олиб ташланган (кесик) йиғиндининг асимптотик таҳлили ва қаварик қоплама асосий функционалларининг биргаликдаги тақсимот қонуни.

Тадқиқотнинг предмети. Кесик тақсимотли боғлиқсиз т. м. йиғиндиси назарияси, дум қисми тўғри ўзгарувчи функция кўринишда бўлган турғун ва чексиз бўлинувчи тақсимотлар назарияси; стационар тасодифий жараёнлар назарияси ва вақт қаторлари назарияси масалалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда (Леви–Хинчин формуласи кўринишдаги) чексиз бўлинувчи ва турғун тақсимот қонун характеристик функцияларини аналитик ифодалаш усуллари, Розенблат маъносида кучли қоришмали хоссага эга бўлган стационар жараёнларга мартингаллар техникаси ишлатилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

берилган тақсимот қонуни турғун тақсимотга тортилувчи бўлган ҳолда тасодифий миқдорлар йиғиндиси ва унинг экстремал қўшилувчилари орасидаги боғланишни ифодаловчи лимит теоремалари исботланган;

берилган тақсимот қонун қаварик кўпбурчакда текис тақсимланган ҳол учун қаварик қоплама асосий функционалларининг биргаликдаги лимит тақсимот қонуни топилган ва қаварик қоплама периметри қаварик қоплама учларининг сони ва юзасига асимптотик боғлиқ эмаслиги исботланган;

парабола ичида берилган бир жинсли бўлмаган Пуассон нуқтавий жараёнидан яралган қаварик қоплама учлари жараёнининг тайин вақтдаги тақсимот қонуни ва шартли тақсимот қонуни топилган;

танланма бирлик доира ичида қутб координаталар системасида берилган нуқталардан иборат бўлиб, бурчак координатаси айланада текис тақсимланган, радиал координатаси тақсимоти эса унга боғлиқ бўлмай, тақсимотининг дум қисми доира чегараси яқинида текис ўзгарувчи функция бўлган ҳолатдан яралган қаварик қопламанинг учларини сони ва юзаси учун марказий лимит теоремалар исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси тасодифий миқдорлар йиғиндисининг катта оғишлар эҳтимолини экстремал тартибланган статистикалар катта оғишлар эҳтимоли билан алмаштириш мумкинлигини ва қаварик қоплама ёрдамида номаълум тақсимот қонунининг аниқланиш соҳасини баҳолаш, соҳа юзаси ва периметрлари учун ишончлилик оралиқларини топишни баён қилинганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги турғун ва чексиз бўлинувчи тақсимот қонуни характеристик функцияларининг (Леви–Хинчин формуласининг аналоги бўлган) спектрал ифодасидан фодаланилганлиги, стационар жараёнларнинг кучли қоришмали шарти остида Ибрагимов-Линник лимит теоремасини, мартингаллар техникасига асосланган статистик жараёнларнинг моментлар усулининг қўлланилганлиги, шунингдек, функционал анализ ва математик таҳлилдаги параметрларга боғлиқ махсус функциялар ва интегралларнинг ишлатилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида олинган натижалар кесик йиғиндиларнинг характеристик функцияларига боғлиқ бўлган тартибланган статистикалар назариясининг жадал ривожлантириш босқичларида, тақсимот қонунининг аниқланиш соҳасини баҳолаш назариясида, нуқтавий жараёнларнинг тузилиши билан боғлиқ бўлган изланишлар назариясида қўлланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишда олинган илмий натижаларнинг математик статистиканинг амалий ва нуқтавий жараёнларга боғлиқ бўлган назарий масалаларини ечишга, шунингдек, экстремал кузатилмалар ҳиссасига эътибор қилинадиган физика, техника, медицина ва оммавий хизмат масалаларига татбиқ этишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Танланма экстремал қийматларининг асимптотик таҳлили ва қаварик қопламалар функционаллари учун олинган лимит теоремалар асосида:

йиғиндидаги экстремал қўшилувчиларнинг ролини аниқлаш усуллари ва қаварик қоплама функционалларининг биргаликдаги тақсимоти учун лимит теоремаларидан №20162503 рақамли «Мураккаб структурали компьютер таҳлили, эҳтимоллик-статистика моделлари, усуллари ва алгоритмларини яратиш» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида дастлабки тақсимот қонуни турғун тақсимотга тортилувчи соҳага тегишли бўлган ҳолат учун вариацион қаторнинг четки элементларининг асимтотик хоссаларини аниқлашда

фойдаланилган (Белоруссия давлат университети қошидаги Математика ва информатикадаги амалий муаммолар илмий текшириш институтининг 2021 йил 18 февралдаги №10.4/18-сонли маълумотномаси, Белоруссия). Илмий натижанинг қўлланилиши криптографик тасодифий ва псевдотасодифий кетма-кетликларнинг генерациясини статистик текшириш имконини берган;

қаварик қоплама функционаллари учун олинган лимит теоремаларидан EIF-ETL-2020-2(36)-16/05/1-M-05 рақамли «Яриммарков иновацион авторегрессия жараёнлари билан ифодаланувчи дайдиш жараёнларини тадқиқ қилиш» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида қишлоқ хўжалигида сув захираларини баҳолашда фойдаланилган (Озарбайжон Республикаси Миллий Фанлар академияси Системали бошқарув институтининг 2021 йил 23 апрелдаги № 21-2/85-сонли маълумотномаси, Озарбайжон). Илмий натижанинг қўлланилиши қишлоқ хўжалик туманларидаги ёмғир суви захираларининг майдонини статистик баҳолаш ва захиралар учун ишончлилик оралиғини топиш имконини берган;

экстремал тартибланган статистикалар чиқариб ташланган йиғинди учун лимит теоремасидан № GNSF/ST FR/308/5-104/12 рақамли «Статистик баҳолаш ва стохастик анализнинг баъзи масалалари» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида кузатилма тақсимот қонунининг функционал характеристикаларини нопараметрик баҳолаш масалаларини ҳал этишда фойдаланилган (Тбилиси давлат университетининг 2021 йил 28 апрелдаги 5587/01-16-01-сонли маълумотномаси, Грузия). Илмий натижанинг қўлланилиши эҳтимоллар зичлик функцияси ва унинг ҳосиласига боғлиқ интеграл функционалларнинг нопараметрик ядровий баҳолари учун лимит теоремаларни исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларда мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 7 таси хорижий ва 10 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий

илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ушбу диссертация иши танланма четки элементларининг лимит хусусиятларини аниқлашга бағишланган бўлиб, тадқиқот икки йўналишда амалга оширилади. Биринчи йўналиш бўйича тадқиқот «**Экстремал қўшилувчиларнинг боғлиқсиз тасодифий миқдорлар йиғиндисидаги ҳиссаси»** деб номланувчи биринчи бобда амалга оширилиб, вариацион қатор экстремал ҳадларининг йиғиндидаги ҳиссасини аниқлашга бағишланган. Хусусан, дастлабки тақсимот қонуни $\alpha \in (0,1) \cup (1,2)$ кўрсаткич билан турғун тақсимотга тортилувчи бўлганида, кесик йиғиндининг экстремал қўшилувчиларга нисбатан асимптотик хоссалари ўрнатилган. Бу ерда, кесик йиғинди учун лимит тақсимот икки параметрли аралаш чексиз бўлинувчи қонун кўринишда ифодаланади, ҳар бирининг спектрал ўлчови турғун тақсимотнинг лимит спектрал ўлчови каби бўлиб, носимметрик интерваллар торайтирилган ва охири параметрлар аралашмаси кўринишда бўлади. Вазн функция сифатида эса кесик йиғиндидаги максимал ва минимал қўшилувчиларнинг биргаликдаги лимит тақсимотининг зичлик функцияси қатнашади.

Биринчи боб бешта параграфдан ташкил топган. Биринчи параграфда зарур белгилашлар киритилиб, сўнгра шу йўналиш бўйича баъзи умуммаълум маълумотлар ва бобнинг асосий натижаси келтирилган.

Фараз қилайлик, $X_1, X_2, ..., X_n$ бир эҳтимоллик фазосида берилган боғлиқсиз, умумий тақсимот функцияси (т.ф.) $F(x)$ каби бир хил тақсимланган тасодифий миқдорлар (т.м.) кетма-кетлиги бўлсин.

Фараз қилайлик, $X_n^{(1)} \le X_n^{(2)} \le ... \le X_n^{(n)}$ – вариацион қатор $X_1, X_2, ..., X_n$ т.м. кетма-кетлигини ўсиш тартибида жойлаштиришдан ҳосил бўлган бўлсин. Уларнинг модуллари бўйича ўсиш тартибида жойлаштиришдан ҳосил бўлган кетма-кетликни

$$\left|\overline{X}_n^{(1)}\right| \le \left|\overline{X}_n^{(2)}\right| \le ... \le \left|\overline{X}_n^{(n)}\right|$$

кўринишда белгилаймиз. $S_n = \sum_{i=1}^{n} X_i$ орқали т.м. йиғиндисини ва кесик йиғиндиларни эса

$$\overline{S}_n^{(k)} = \sum_{j=1}^{n-k} \overline{X}_n^{(j)}, \quad S_n^{(m,k)} = \sum_{j=m+1}^{n-k} X_n^{(j)}$$

орқали белгилаймиз. Бу ерда $\overline{S}_n^{(k)}$ йиғиндини S_n дан модул бўйича энг катта k қўшилувчиларни ташлаб юбориш билан, $S_n^{(m,k)}$ ни эса бир вақтнинг ўзида

m та чап ва k та ўнг четки тартибланган статистика элементларини ташлаб юбориш билан изоҳлаш мумкин.

X_1 т.м. қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:

$$P\left(X_1 < u\right) = F(u) = \begin{cases} c_1 |u|^{-\alpha} l_1\left(|u|\right), & \text{агар } u < 0 \text{ бўлса,} \\ 1 - c_2 u^{-\alpha} l_2\left(u\right), & \text{агар } u \geq 0 \text{ бўлса,} \end{cases} \tag{1}$$

бу ерда c_1 ва c_2 мусбат коэффициентлар ва $c_1 + c_2 = 1$, $l_i\left(u\right), i = 1,2$, $\lim\limits_{u\to\infty} l_1(u)/l_2(u) = 1$ секин ўзгарувчи функциялар (с.ў.ф.).

Ҳар доим $\alpha \in (0,1) \bigcup (1,2)$ деб фараз қилинади ва, шунингдек, $1 < \alpha < 2$ бўлганида $EX_1 = 0$ деб оламиз. Айтайлик,

$$b_n = \inf\left\{t : nP\left(|X_1| > t\right) \leq 1\right\}$$

бўлсин.

Маълумки, $b_n^{-1} S_n$ т.м. логарифми

$$\log \varphi(t) = \begin{cases} \alpha c_1 \int\limits_{-\infty}^{0} \dfrac{e^{itz} - 1}{|z|^{\alpha+1}} dz + \alpha c_2 \int\limits_{0}^{\infty} \dfrac{e^{itz} - 1}{z^{\alpha+1}} dz, & \text{агар } 0 < \alpha < 1 \text{ бўлса,} \\ \alpha c_1 \int\limits_{-\infty}^{0} \dfrac{e^{itz} - 1 - itz}{|z|^{\alpha+1}} dz + \alpha c_2 \int\limits_{0}^{\infty} \dfrac{e^{itz} - 1 - itz}{z^{\alpha+1}} dz, & \text{агар } 1 < \alpha < 2 \text{ бўлса,} \end{cases} \tag{2}$$

кўринишда ифодаланувчи характеристик функцияси $\varphi(t)$ бўлган тасодифий миқдорга тақсимот бўйича интилади. Энди

$$G_k(x) = \frac{1}{(k-1)!} \int\limits_{x^{-\alpha}}^{\infty} v^{k-1} e^{-v} dv.$$

белгилаймиз.

Экстремал қўшилувчиларнинг йиғиндидаги ҳиссасини аниқлашга доир дастлабки тадқиқотлар Д.З.Аров ва А.А.Бобровга тегишли бўлиб, улар $b_n^{-1} \overline{S}_n^{(k)}$ ва $b_n^{-1} \left|\overline{X}_n^{(n-k+1)}\right|$ т.м $0 < \alpha < 1$ ҳолат учун биргаликдаги лимит тақсимотини, аралаш чексиз бўлинувчи, параметр аралашмаси симметрик равишда кесилган турғун тақсимотнинг Пуассон спектори ва вазн функцияси $G_k(x)$ кўринишда ифодаланишини аниқладилар. Кейинчалик J.L.Teugels уларнинг натижасини $1 < \alpha < 2$ гача давом эттирди.

Бу бобнинг асосий натижаси Д.З.Аров, А.А.Бобров ва J.L.Teugels натижаларини $S_n^{(m,k)}$ йиғиндига кўчиришдан, яъни $S_n^{(m,k)}$ йиғинди билан ундан охирги чиқариб ташланган $X_n^{(m)}$ ва $X_n^{(n-k+1)}$ четки тартибланган статистиканинг биргаликдаги тақсимотини тадқиқ қилишдан иборат.

Фараз қилайлик, $F(z; x, y)$, $x > 0$, $y > 0$, характеристик функциясининг логарифми

$$h(t;x,y)=\begin{cases}\alpha c_1\int\limits_{-x}^{0}\dfrac{e^{itz}-1}{|z|^{\alpha+1}}dz+\alpha c_2\int\limits_{0}^{y}\dfrac{e^{itz}-1}{z^{\alpha+1}}dz, & агар\ \ 0<\alpha<1;\\ it\dfrac{\alpha}{\alpha-1}(c_2y^{-\alpha}-c_1x^{-\alpha})+\alpha c_1\int\limits_{-x}^{0}\dfrac{e^{itz}-1-itz}{|z|^{\alpha+1}}dz+ & \\ +\alpha c_2\int\limits_{0}^{y}\dfrac{e^{itz}-1-itz}{z^{\alpha+1}}dz, & агар\ \ 0<\alpha<1.\end{cases}$$

кўринишда бўлган икки параметрли чексиз бўлинувчи тақсимот функциялар оиласи бўлсин ((2) муносабат билан таққосланг).

1-теорема. (1) шарт ўринли бўлиб, $\min(c_1,c_2)>0$ бўлсин, у ҳолда $n\to\infty$

$$P\left(S_n^{(m,k)}<zb_n,-X_n^{(m)}<ub_n,X_n^{(n-k+1)}<vb_n\right)=\int\limits_0^u\int\limits_0^v F(z,x,y)dG_m^{(1)}(x)dG_k^{(2)}(y)+o(1)$$

$u\ \ (u\ge 0)$ ва $v\ \ (v\ge 0)$ бўйича текис яқинлашади, бу ерда

$$G_m^{(i)}(u)=\frac{1}{(m-1)!}\int\limits_{c_iu^{-\alpha}}^{\infty}x^{m-1}e^{-x}dx,\ \ i=1,2.$$

Бу теоремадан, хусусан, қуйидаги натижа келиб чиқади:

$$P\left(\frac{S_n^{(m,k)}}{\min\left\{\left|X_n^{(m)}\right|,X_n^{(n-k+1)}\right\}}<z\right)\to\iint\limits_{x>y}F(zy;x,y)dG_m^{(1)}(x)dG_k^{(2)}(y)$$

$$+\iint\limits_{x<y}F(zx;x,y)dG_m^{(1)}(x)dG_k^{(2)}(y).$$

Агар берилган тақсимот қонуннинг икки четки дум қисми ҳар хил вазнда бўлса, яъни $1-F(u)=u^{-\alpha}l(u),\ u>0,\ l(u)$, $n\to\infty$ да с.ў.ф. ва $F(-u)=o(1-F(u))$, у ҳолда $S_n^{(m.k)}$ ва $\overline{S}_n^{(k)}$ т.м. лимит тақсимотлари устма-уст тушишини кўриш қийин эмас. Бундан ташқари,

$$\lim_{n\to\infty}P\left(\frac{S_n^{(m,k)}}{X_n^{(n-k+1)}}<z\right)=P\left(\eta_1+\eta_2+\cdots+\eta_k<z\right).$$

Бу ҳолатда

$$Ee^{it\eta_1}=\frac{1}{1-h(t)},$$

ва

$$h(t)=\begin{cases}\alpha\int\limits_0^1\dfrac{e^{itz}-1}{z^{\alpha+1}}dz, & агар\ 0<\alpha<1,\\ it\dfrac{\alpha}{\alpha-1}+\alpha\int\limits_0^1\dfrac{e^{itz}-1-itz}{z^{\alpha+1}}dz, & агар\ 1<\alpha<2.\end{cases}$$

1-теоремани исботлаш учун иккинчи параграфда иккита ёрдамчи лемма исботланади ва учинчи параграфда 1-теореманинг исботи охирига етказилади.

Тўртинчи параграф тақсимот қонуннинг думи қисми тўғри ўзгарувчили бўлган бир ҳолатга изоҳ беришга бағишланади.

Хусусан, умумий тақсимот қонуни

$$F(u)=\begin{cases}|u|^{-\alpha_1}l_1(|u|), & агар\ \ u<0,\\ 1-u^{-\alpha_2}l_2(u), & агар\ \ u>0,\end{cases}$$

кўринишда, $\min(\alpha_1,\alpha_2)>0$, $l_i(u), i=1,2$ с.ў.ф. ва

$$\beta_{ni}=\inf\left\{u:\ u>0,\ nu^{-\alpha_i}l_i(u)\le 1\right\},\quad i=1,2.$$

белгилаш бажарсак, ва агар $j_1, j_2,..., j_{m-1}$ – номерлар $\left(-\infty, X_n^{(m)}\right)$ оралиққа тушган т.м. номерлари бўлса, яъни

$$j_1=\min\left(j:\ X_j<X_n^{(m)}\right),\quad j_2=\min\left(j:\ j>j_1,\ X_j<X_n^{(m)}\right)$$ ва хоказо

ва $i_1,i_2,...,i_{k-1}$ – номерлар $\left(X_n^{(n-k+1)},\infty\right)$ оралиққа тушган т.м. номерлари бўлса, у ҳолда

$$P\left(\frac{X_{j_1}}{X_n^{(m)}}>z_1,...,\frac{X_{j_{m-1}}}{X_n^{(m)}}>z_{m-1},\frac{X_{i_1}}{X_n^{(n-k+1)}}>w_1,...,\frac{X_{i_{k-1}}}{X_n^{(n-k+1)}}>w_{k-1}\right)\to\prod_{i=1}^{m-1}z_i^{-\alpha_1}\prod_{j=1}^{k-1}w_j^{-\alpha_2}$$

$z_i\ge 1,\ w_j\ge 1,\ i=1,...,m-1,\ j=1,...,\mathrm{k}-1$ учун. Булардан қуйидаги ажойиб маълумотни оламиз: агар $\alpha_1=\alpha_2\in(0,1)\cup(1,2)$ бўлса

$$P\left(\beta_n^{-1}S_n<z\right)\to\int\limits_0^\infty\int\limits_0^\infty P\left(\zeta(x,y)-x\xi_m+y\eta_k<z\right)dG_m^{(1)}(x)dG_k^{(2)}(y).$$

Бу ерда $\zeta(x,y)$, ξ_m ва η_k боғлиқсиз т.м. бўлиб $\xi_m\overset{d}{=}1+e_1+\cdots+e_{m-1}$, $\eta_k\overset{d}{=}1+e_1+\cdots+e_{k-1}$, e_j, $j=1,2,...$, эса ўз навбатида α кўрсаткичли умумий Паретто қонуни бўйича тақсимланган.

Бешинчи параграфда $P(x)=P\left(X_1>x\right)\sim x^{-\alpha}l(x)$, $\alpha\in(0,2]$ бўлган ҳолда, катта оғишлар эҳтимоли масаласидаги экстремал қўшилувчилар йиғиндидаги асосий ҳиссани белгилаши кўрсатилади. Бу параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремадан иборат.

2-теорема. Агар $P(x)\sim x^{-\alpha}l(x),\ x\to\infty,\ F(-x)=O(1-F(x)),\quad x\to\infty$да бўлиб, $\alpha\ge 1$ да $EX_1=0$ бўлса ва шунингдек агар қуйидаги шартлардан бири

1) $nx_n^{-\alpha}l^*(x_n)\to 0$, $n\to\infty$, да агар $\alpha\in(0,1)$;

2) $nx_n^{-\alpha} l^*(x_n)\log^{\alpha-1} x_n \to 0$, $n\to\infty$, да агар $\alpha\in[1,2)$;

3) $nx_n^{-\alpha} l^*(x_n)\log^2 x_n \to 0$, $n\to\infty$, да агар $\alpha=2,\ EX_1^2=\infty$;

4) $nx_n^{-\alpha} l^*(x_n)\log x_n \to 0$, $n\to\infty$, да агар $\alpha=2,\ EX_1^2=1,$

ўринли бўлса, у ҳолда ихтиёрий $x\ge x_n$ учун

$$P_n^{(k)}(x)=P\left(S_n^{(0,k)}>x\right)\sim P\left(X_n^{(n-k)}\ge x\right)\sim\frac{1}{(k+1)!}\left(nP(x)\right)^{k+1},\ n\to\infty.$$

ўринли.

Бу ерда, $l^*(x)=\sup\limits_{1\le u\le x} l(u)$. Бунинг маъноси шуки, агар $x\ge x_n$ ва берилган тақсимотнинг ўнг дум қисми $1-F(x)\sim x^{-\alpha}l(x),\ x\to\infty,$ ва чап дум қисми $O\left(1-F\left(|x|\right)\right),\ |x|\to\infty$ бўлса, ўнг катта оғишлар эҳтимоли масаласида, кесик йиғинди $S_n^{(0,k)}$нинг қиймати унда қатнашаётган энг катта қўшилувчи $X_n^{(n-k)}$ ҳисобига шакилланади. Мос равишда агар чап дум қисми $F(x)\sim|x|^{-\alpha}\ l\left(|x|\right),\ |x|\to\infty,$ ва ўнг дум $O\left(F(-x)\right),\ x\to\infty$ кўринишда ўзгарса, чап катта оғишлар эҳтимоли масаласида, кесик йиғинди $S_n^{(m,0)}$нинг қиймати унда қатнашаётган энг кичик қўшилувчи $X_n^{(m+1)}$ ҳисобига шаклланади.

Иккинчи йўналишдаги тадқиқот навбатдаги учта бобда амалга оширилади, бу ердаги миқдорлар икки ўлчовли соҳада аниқланган бош тўпламдан олинган. Тақсимот қонуннинг аниқланиш соҳаси кўп ўлчовли қаварик соҳа бўлган ҳолатда, эстремал тартибланган статистиканинг энг умумий аналоги қаварик қоплама бўлади. Охирги ҳолат учун қаварик қоплама тақсимот қонун аниқланиш соҳасини баҳолашда етарли ва асосли статистика бўлади.

Қаварик қоплама аналитик нуқтаи назардан жуда мураккаб геометрик объектдир. Шунинг учун, хаттоки, унинг энг содда функционаллари бўлмиш, учларининг сони ва юзасини тадқиқ қилиш оддий масала эмас. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, P.Groeneboom (Limit theorems for convex hulle. Probab. Th. Rel. Fields, 1988, v.79, N3, P. 327-368) иши пайдо бўлгунигача, бу соҳадаги энг буюк кашфиётлар деб асосий функционалларнинг ўрта қийматларини ўрганишнигина ҳисобланар эди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Кўпбурчак ичидаги тасодифий қаварик қоплама функционаллари учун лимит теоремалар»** деб номланган бўлиб, у қаварик кўпбурчак ичида текис тақсимланган тасодифий векторлардан яралган қаварик қопламани тадқиқ қилишга бағишланган.
Биринчи параграфнинг бошланишида мазкур йўналиш бўйича ҳозиргача маълум бўлган баъзи асосий натижалар санаб ўтилган, сўнгра иккинчи бобнинг асосий натижалари келтирилган.

Фараз қилайлик, $P_j, j=1,2,...,n$, r учли қаварик A кўпбурчакда текис тақсимланган векторларнинг боғлиқсиз кузатилмаси бўлсин. $j-$ сатри P_j вектордан иборат $\mathbf{P}_n$ матрицани танланма деб атаймиз. $P_j, j=1,2,...,n$ векторлардан яралган қаварик қопламани $C_n = C_n(\mathbf{P}_n)$ орқали белгилаймиз. Бизни, C_n нинг асосий функционаллари: ν_n – учларининг сони, s_n– майдони ва l_n – периметрларнинг биргаликдаги лимит тақсимотини тадқиқ қилиш масаласи қизиқтиради. Келтирилган функционаллар қаварик қоплама учларнинг тўплами W_n билан бир қийматли аниқланади. Асосий натижани келтиришдан олдин баъзи бир қўшимча белгилашлар киритамиз.

Фараз қилайлик, L_0 ва S_0 – мос равишда A кўпбурчакнинг периметри ва юзаси бўлсин. У ҳолда қуйидаги белгилашларни киритамиз

$$l_n^* = L_0 - l_n,\ s_n^* = S_0 - s_n$$

ва улар ёрдамида

$$a_n = \frac{2r\log n}{3},\ a_n^* = \frac{S_0 a_n}{n},\ b_n = \sqrt{\frac{27}{10r\log n}},\ b_n^* = n\sqrt{\frac{27}{28rS_0^2\log n}} = \frac{\sqrt{5}nb_n}{\sqrt{14}S_0}$$

ни белгилаймиз.

ω икки ўлчовли нормал тақсимланган, математик кутилмаси нол, корреляцион матрицаси

$$\begin{pmatrix} 1 & \sqrt{\frac{5}{14}} \\ \sqrt{\frac{5}{14}} & 1 \end{pmatrix}$$

бўлган тасодифий вектор бўлсин.

Иккинчи бобнинг асосий натижаларини келтирамиз.

3-теорема. Агар C_n қаварик қоплама A кўпбурчакда текис тақсимланган $P_j, j=1,2,...,n$ векторлардан яралган бўлса, у ҳолда C_n нинг функционаллари қатнашган компонентлари $b_n(\nu_n - a_n)$ ва $b_n^*(s_n^* - a_n^*)$ дан иборат вектор $n\to\infty$ да тақсимот бўйича ω тасодифий векторга интилади.

Кейинги теоремада l_n^* функционалнинг лимит тақсимот қонуни ҳақида гап боради.

4-теорема. Агар C_n қаварик қоплама A кўпбурчакда текис тақсимланган $P_j, j=1,2,...,n$ векторлардан яралган бўлса, у ҳолда тасодифий миқдор $\sqrt{\frac{n}{S_0}}l_n^*$, $n\to\infty$ да (ν_n, s_n) га асимптотик боғлиқсиз, бундан ташқари у r та учли A кўпбурчакнинг $i-$учини ифодаловчи боғлиқсиз ς_i т.м. лар йиғиндиси кўринишда ифодаланувчи т.м.га эҳтимол бўйича интилади.

Хусусан, 3- ва 4-теоремалардан периметр учун лимит тақсимот, бошқа икки функционалдан фарқли ўлароқ A– аниқланиш соҳасини кўринишига боғлиқ бўлади. Учларининг сони ва юзасининг лимит тақсимоти эса тақсимот қонун аниқланиш соҳаси кўрилаётган бурчагининг ўлчовига боғлиқ эмас.

Иккинчи бобда келтирилишига кўра, 3- ва 4-теоремаларнинг исботида мартингал ва кучли қоришмали стационар жараёнлардан фойдаланишга ҳеч қандай зарурият йўқ. Бу ерда (Чебишев тенгсизлигининг аналоги бўлган) А.Н.Колмогоровнинг т.м. йиғиндисининг максимуми учун тенгсизлик ва В.В.Петровнинг т.м. йиғиндиси эҳтимоли учун кўрсаткичли тенгсизлигидан фойдаланиб, аналитик ва тўғри эҳтимоллик усуллар ишлатишнинг ўзи етарли бўлади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида, A кўпбурчакда берилган биномиал нуқтавий жараён Пуассон нуқтавий жараёни билан аппроксимацияланади. Учинчи параграфда эса K конусда бир жинсли Пуассон нуқтавий жараёнидан яралган $C(K)$ қаварик қопламанинг хоссалари тадқиқ қилинади. Бир жинсли Пуассон нуқтавий жараёнининг орттирмалар боғлиқсизлиги ҳақидаги хоссаси $C(K)$ қаварик қопламанинг асосий функционалларини боғлиқсиз, бир хил тақсимлангпн т.м. йиғиндиси кўринишда ифодалаш имконини беради. Қаварик қопламани ўрганишга асосланган бизнинг ёндашувимиз кўпбурчакдаги бир жинсли Пуассон нуқтавий жараёнининг элементар хоссаларига асосланган. Охиргиси, ўрганилаётган функционалларни т.м. йиғиндиси учун чегаравий масалаларга олиб келади.

Иккинчи бобнинг тўртинчи ва бешинчи параграфларида 3- ва 4-теоремалар исботи учун хизмат қилувчи маълумот, яъни етарлича катта хажмли танланма учун қаварик қопламанинг учлари, асосан, A кўпбурчак учларида йиғилиши исботланади. Шунинг учун, агар $a^{(1)},a^{(2)},...,a^{(r)}$ - A қаварик кўпбурчакнинг учлари ва $S(a,\varepsilon)$ радиуси ε маркази a бўлган доира бўлса, у ҳолда C_n нинг $S(a^{(1)},\varepsilon),S(a^{(2)},\varepsilon),...,S(a^{(r)},\varepsilon)$ доираларга тушган учлари асимптотик боғлиқсиз бўлади.

Биринчи маротаба ушбу диссертация қаварик қоплама учларининг сони, юзаси ва периметри каби функционалларининг биргаликдаги лимит тақсимоти учун лимит теоремани намойиш қилмоқда.

Қаварик соҳада нотекис тақсимланган танланма учун қаварик қопламаларни тадқиқ қилиш кейинги икки бобда давом эттирилади.

Учинчи боб **«Парабола ичидаги Пуассон нуқтавий жараёндан яралган қаварик қоплама учлари жараёнининг хоссалари»** парабола ичида бир жинсли бўлмаган Пуассон тақсимотига эга нуқтавий жараёнидан яралган қаварик қоплама учлари жараёнининг стационарлик ва кучли қоришмали хоссаларини тадқиқ қилишга бағишланган. Бобнинг барча натижалари мустақил маънога эга бўлишига қарамасдан, улар кейинги

тўртинчи бобда қаварик қоплама учларининг сони, юзаси ва периметри учун лимит теоремаларни исботлашга кенг қўлланилади. Учинчи бобнинг биринчи параграфида, мавзунинг долзарблиги асосланади ва қаварик қоплама учлари жараёнининг тайин вақт моментидаги аниқ тақсимоти келтирилади. Бу ерда

$$R_n = \left\{ (x,y) : \frac{x^2}{2b_n} \le y \right\}.$$

деб белгилаб, қуйидаги ўлчовни киритамиз

$$\Lambda_n(A) = \begin{cases} \dfrac{1}{2\pi\sqrt{b_n}L(b_n)} \iint\limits_A \dfrac{\partial}{\partial y}\left[\left(y - \dfrac{x^2}{2b_n} \right)^{\beta} L\left(\dfrac{b_n}{y - \dfrac{x^2}{2b_n}} \right) \right] dxdy, & агар\ A \subset R_n; \\ 0, & агар\ A \not\subset R_n, \end{cases}$$

b_n миқдор эса

$$nx^{-\left(\beta+\frac{1}{2}\right)} L(x) = 1 \qquad (3)$$

тенгламанинг энг кичик ечими,

$$L(u) = \exp\left\{ \int_1^u \frac{\varepsilon(t)}{t} dt \right\}, \quad \varepsilon(t) \to 0, \quad t \to \infty \qquad (4)$$

дифференцилланувчи Карамата маъносидаги с.ў.ф. интеграл тасвир.

Фараз қилайлик, $\Pi_n(\cdot) - \Lambda_n(\cdot)$ интенсив ўлчовли, бир жинсли бўлмаган Пуассон нуқтавий жараёни (б.б.п.н.ж.) ва $(X_1,Y_1);(X_2,Y_2);...;(X_k,Y_k);...$ R_n да торайтирилган $\Pi_n(\cdot)$ б.б.п.н.ж. реализацияси бўлсин. Бу нуқталарга тортилган қаварик қопламани C_n билан белгилаймиз.

Ҳар бир $a \in R$ учун учлар жараёни $W_n(a) = \left(X_n(a), Y_n(a) \right)$, деб $\Pi_n(\cdot)$ б.б.п.н.ж. реализацияси ичидаги $Y_k - aX_k$ га минимал қиймат берувчи $\left(X_k, Y_k \right)$ нуқтага айтилади.

Тарифга кўра, $W_n(a)$ сакраб ўзгарувчи ностационар Марков жараёни бўлади. Қуйидаги теоремаларда $W_n(a)$ нинг турли ҳолатларига мос тақсимотнинг кўриниши келтирилган.

Диссертацияда фақат $L(x) = 1$ билан чегараланамиз, аслида намойиш қилинадиган усул (4) кўринишдаги ихтиёрий $L(x)$ с.ў.ф. учун ҳам яроқлидир.

5-теорема. Фараз қилайлик $s = y - ax + \dfrac{a^2 b_n}{2}$, $r = x - ab_n$ бўлсин, у ҳолда

$$1)\ P\left(W_n(0) \in (dx,dy) \right) = \frac{\beta}{2\pi\sqrt{b_n}} \exp\left\{ -\frac{y^{\beta+\frac{1}{2}}}{\sqrt{2}\pi} B\left(\beta+1; \frac{1}{2} \right) \right\} \left(y - \frac{x^2}{2b_n} \right)^{\beta-1} dxdy;$$

2) $P\left(W_n(a)\in(dx,dy)\right)=\dfrac{\beta}{2\pi\sqrt{b_n}}\exp\left\{-\dfrac{s^{\beta+\frac{1}{2}}}{\sqrt{2}\pi}B\left(\beta+1;\dfrac{1}{2}\right)\right\}\left(s-\dfrac{r^2}{2b_n}\right)^{\beta-1}dxdy;$

3) $P\left(W_n(a)=W_n(0)/W_n(0)=(x,y)\right)=\exp\left\{-\dfrac{1}{2\pi\sqrt{b_n}}\left[\int\limits_{x-ab_n}^{\sqrt{2b_ns}}\left(s-\dfrac{u^2}{2b_n}\right)^{\beta}du-\right.\right.$

$$\left.\left.-\int\limits_{x}^{\sqrt{2b_ny}}\left(y-\dfrac{u^2}{2b_n}\right)^{\beta}dy\right]\right\}.$$

Стационар бўлмаган $W_n(a)$ жараёндан янги стационар бўлган $T_n(a)$ жараённи қуйидагича қурамиз.

$$R_n(a)=X_n(a)-ab_n,\qquad S_n(a),=Y_n(a)-\frac{X_n^2(a)}{2b_n}+\frac{R_n^2(a)}{2b_n},\qquad T_n(a)=\left(R_n(a),S_n(a)\right).$$

Албатта, $T_n(0)=W_n(0)$ бир эҳтимоллик билан (б.э.б.) эканлиги, ундан эса

$$P\left(T_n(0)\in(dr,ds)\right)=P\left(W_n(0)\in(dr,ds)\right)$$

бўлиб, тақсимотларнинг бир хиллиги келиб чиқади.

6-теорема. $T_n(a)$ сакраб ўзгарувчи Марков стационар жараёни ва

1) $P\left(T_n(a)\in(dr,ds)\right)=\dfrac{\beta}{2\pi\sqrt{b_n}}\exp\left\{-\dfrac{s^{\beta+\frac{1}{2}}}{\sqrt{2}\pi}B\left(\beta+1;\dfrac{1}{2}\right)\right\}\left(s-\dfrac{r^2}{2b_n}\right)^{\beta-1}drds;$

2) $P\left(T_n(a)=(r_1,s_1)/T_n(0)=(r_0,s_0)\right)=\exp\left\{-\dfrac{1}{\sqrt{2}\pi}\left[s_1^{\beta+\frac{1}{2}}\int\limits_{\frac{r_1}{\sqrt{2b_ns_1}}}^{1}\left(1-t^2\right)^{\beta}dt\right.\right.$

$$\left.\left.-s_0^{\beta+\frac{1}{2}}\int\limits_{\frac{r_0}{\sqrt{2b_ns_0}}}^{1}\left(1-t^2\right)^{\beta}dt\right]\right\};$$

бу ерда $r_1=r_0-ab_n,\ s_1=s_0-ar_0+\dfrac{a^2b_n}{2}.$

3) $P\left(T_n(a)\in(dr_1,ds_1)/T_n(0)=(r_0,s_0)\right)=P\left(T_n(a)\in(dr_1,ds_1)\right),$

бу ерда $(r_i,s_i)\in D=\left\{(r,s):s\ge\dfrac{r^2}{2b_n}\right\},\ i=0,1,\ ab_n-\sqrt{2b_ns_1}>\sqrt{2b_ns_0}.$

4) $P\left(T_n(a)\in(dr_2,ds_2)/T_n(0)=(r_1,s_1)\right)=\dfrac{\beta}{2\pi\sqrt{b_n}}\exp\left\{-\dfrac{1}{\sqrt{2}\pi}\left[s_2^{\beta+\frac{1}{2}}\int\limits_{\frac{s_1-s_2}{a\sqrt{2b_ns_2}}+\frac{ab_n}{\sqrt{2b_ns_2}}}^{1}\right.\right.dt$

$$\cdot\left(1-t^2\right)^{\beta}-s_1^{\beta+\frac{1}{2}}\int\limits_{\frac{s_1-s_2}{a\sqrt{2b_ns_1}}+\frac{ab_n}{\sqrt{2b_ns_1}}}^{1}\left(1-t^2\right)^{\beta}dt\Bigg]\Bigg\}\left(s_2-\frac{r_2^2}{2b_n}\right)^{\beta-1}dr_2ds_2.$$

бу ерда

$$(r_i,s_i)\in D=\left\{(r,s):s\geq\frac{r^2}{2b_n}\right\},\ ab_n-\sqrt{2b_ns_2}\leq\sqrt{2b_ns_1},$$

$$s_2+\frac{a^2b_n}{2}+ar_2\geq s_1\geq s_2-\frac{a^2b_n}{2}+ar_1.$$

Учинчи параграфда бу иккита теорема ёрдамида $W_n(a)$ жараённинг кучли қоришмали хоссаси тадқиқ қилинади.

$$\Im_n^0=\sigma\left\{T_n(c):c\leq 0\right\},\ \ \Im_n^{a+}=\sigma\left\{T_n(c):c\geq a\right\}$$

$T_n(a)$ жараёндан яралган $\sigma-$ алгебралар бўлсин.

7-теорема. Ҳар қандай $A\in\Im_n^0$ ва $B\in\Im_n^{a+}$ учун

$$\left|P\left(A\cap B\right)-P(A)P(B)\right|\leq\tau_n(a),$$

бу ерда

$$\tau_n(a)\leq c_1\exp\left\{-\frac{1}{\sqrt{2}\pi}\left(\frac{a^2b_n}{8}\right)^{\beta+\frac{1}{2}}B\left(\beta+1;\frac{1}{2}\right)\right\}.$$

Хусусан, агар $a>\dfrac{a_n\varepsilon_n^*}{b_n}$,

